

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10395889>

**Айтбаев Мансурбек Юсупович**

*Тошкент давлат аграр университети*

*Гуманитар фанлар ва ҳуқуқ қафедраси доценти, ф.д. (PhD)*

**Аннотация:** Мақолада заминимиздан етишиб чиқган буюк алломаларимиздан Маҳмуд Замаҳшарийнинг ибратли ҳаёти ва илмий фаолияти, муҳим қашфиётлари, ҳаёт йўли ва диний-фалсафий мероси, ахлоқий фалсафий қараашлари кенг ёритилиб берилган.

**Калит сўзлар:** Хушхулқ, наҳв, муътазила, салжуқийлар,

Маълумки, юртимизда жуда кўп мутафаккирлар нашъу намо топган бўлиб, улардан бири—Маҳмуд аз-Замаҳшарийдир. Маҳмуд Замаҳшарий ўзининг ахлоқий қараашларида ўз замонасининг турли табақа кишилари ва касб-ҳунар эгаларининг жамиятда тутган мавқеи ва ахлоқ-одоби тўғрисида фикр юритар экан, мутафаккир шахснинг қандайлигидан, кимлигидан (хоҳ шоҳ бўлсин, хоҳ гадо) қатъий назар, аввало у хушхулқ ва одамийлик зийнатига эга бўлмоғи кераклиги тўғрисида гапиради ва “Гўзал сифат ва хушхулқлик сийратлари безамаган кишини ҳеч қандай чиройли кийимлар кўркам қилолмас, гуноҳ ва хатолардан сақланмаган кимсанинг қалби сира айдан фориғ бўлмас”<sup>4</sup> – дейди. Мутафаккир ботиний (қалб) гўзаллик – асосий, белгиловчи, илоҳий нарсадир, зоҳирий (ташқи, юзаки) гўзаллик эса иккинчи даражали ҳосила нарсадир, дея таъкидлайди.

Маҳмуд Замаҳшарий “Атвоқ уз-заҳаб” (“Олтин шодалар”) асарида ўз даврининг ижтимоий, мафкуравий ва ислом дунёси учун инсон ва унинг дунёдаги маънавий ўрни, инсон ва жамият муносабатлари, инсоннинг ахлоқий интилишлари каби масалаларни ўзида жамлаган.

Аллома “Сенга энг яхши маслаҳат мутакаббирлик билан юзингни тескари бурма ва шон-шуҳратинг билан фахрланма. Қуёш нури беркитилмайди, ҳақиқат шаъми сўнмайди. Виждонли киши ҳавфдан ҳоли яшаса, хиёнат қилувчи киши беҳаловат яшайди. Агар аёл киши қалбинг унга боғлиқлигини сезса, бурнингни ерга ишқайди...”<sup>5</sup> –дейди. Бу билан мутафаккир айрим тоифага мансуб инсонларнинг ахлоқий-психологик жиҳатларини очиб беради.

Олим кўп асарларини Маккадалигига ёзган. Ҳаётида чукур из қолдирган бу заминда Замаҳшарий беш йилга яқин яшаган. Алломанинг Жоруллоҳ (Аллоҳ қўшниси)

<sup>4</sup> Маҳмуд аз-Замаҳшарий “Нозик иборалар” У. Уватов таржимаси //ЎзАС, 1996 йил 44-сон.

<sup>5</sup> Маҳмуд аз-Замаҳшарий “Нозик иборалар” У. Уватов таржимаси //ЎзАС, 1996 йил 44-сон.

деган шарафли таърифга сазовор бўлиши шундан.<sup>6</sup> Ислом оламида йирик олим даражасига кўтарилиган Замахшарийнинг Хоразмда ҳам, Шарқнинг бошқа шаҳарларида ҳам жуда кўп шогирдлари бўлган. У қариндош-урӯғларининг қийин-қистовларига қарамасдан, уйланмаган. Буюк аллома ҳижрий 538 йилда арафа кечаси (1144 йил 14 апрел) Хоразмда вафот этган.

Замахшарий араб тили грамматикаси, луғатшунослик, адабиёт, аruz илми, жўғрофия, тафсир, ҳадис ва фиқҳга оид 50 дан ортиқ асарлар ёзган. Жумладан, унинг «Муфассал» асари араб тили грамматикасига оид китоб бўлиб, нафақат Шарқ, балки Ғарбда ҳам жуда машҳур эди. Айнан шу асар туфайли олимлар: «Агар шу турк (Замахшарий) бўлмаганида эди, араблар ўз тиллари наҳви (грамматика)ни унутиб юборган бўларди», деб айтишган.

Олимнинг «Муқаддамул адаб» асари тилшуносликка, «Асосул балоғат» китоби нутқ маданиятига, «Атвоқуз заҳаб фил Мавоиз вал хутаб» рисоласи дидактикага, «Рабиул аброр ва нусусул ахёр»и адабиёт, тарихга бағишиланган.

Маҳмуд Замахшарийнинг «Ал-Кашшоф ан ҳақоиқит танзил ва уюнил ақовил фи вужуҳит таъвил» асарини алоҳида тилга олмасликнинг иложи йўқ. Асар Қуръоннинг шарҳи, яъни тафсирдир. Асарнинг ёзилиш тури мураккаблигига қарамай, бутун жаҳонда катта шуҳрат қозонган. Ҳатто шу кунларда ҳам Қоҳирадаги «Ал-Азҳар» университети талабалари «Ал-Кашшоф»ни алоҳида ўқув курсида ўрганадилар. Чуқур билими, зукколиги ва бошқа сифатлари туфайли аллома «Араб ва ажам устози», «Хоразм фахри» дея тилга олинади. Маълумки, салжуқийлар сулоласи илгариги мавқеи йўқолган халифаликни бошқараётган Бағдод халифасининг расмий ҳукмронлигини сақлаган ҳолда, амалда марказлашган давлатнинг дунёвий ишларини бошқарар эдилар. Салжуқий Маликшоҳ даврида узоқ вақт вазирлик қилган фан ҳомийси Низомул Мулк Абу Ҳомид Ғаззолий ва Маҳмуд аз-Замаҳшарий каби олимларни ҳам қўллаб-қувватлаган. У Бағдодда расадхона ишини ривожлантириб, машҳур фалакшунос олимларни тўплайди.<sup>7</sup> Шундай қилиб, Шарқ фалсафий тафаккурида аз-Замаҳшарийнинг роли каттадир.

Мусо Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Замахшарий, Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Ҳос Ҳожиб, Марғиноний, Аҳмад Яссавий кабилар бу давр маънавиятининг юлдузлари бўлиб, IX-XII асрлар маданий юксалишида ниҳоятда мухим ўрин тутдилар.<sup>8</sup> Бу зотларни зикр этилганда албатта аз-Замаҳшарий алоҳида эслаб ўтилади.

Унинг фалсафий-ахлоқий қарашлари асарларида насиҳат шаклида келади. Маҳмуд Замаҳшарий ўзи яшаб турган мухитдан чиқиб кетмаган ҳолда фикр юритади. У замонасининг ҳар бир фуқороси тушуна оладиган тилда сўзлайди. Бу унинг ўз

<sup>6</sup> “Ирфон” тақвимининг 2010 йил, 4-сонидан олинди

<sup>7</sup> ҚОДИРОВ М. МАРКАЗИЙ ОСИЁ, ЯҚИН ВА ЎРТА ШАРҚНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАФАККУРИ (ўрта асрлар) ўқув қўлланма. – Т.: Тошкент Давлат шарқшунослик институти, 2009, 21-76 бетлар.

<sup>8</sup> Аҳмедов А. Мусо ал-Хоразмий. //Маънавият юлдузлари. –Б.36.

фикри ва қарашларини ифода этишдаги энг мұхым хусусиятлардан биридир. Аммо бугунги замон кишилари унинг фикрларини, тажрибага асосланған мустаҳкам хulosаларини тушунишлари учун, аввал таъкидлаб ўтилганидек, ўша замон рұхи ва исломий билимларидан анчагина хабардор бўлишлари керак. Ушбу хulosанинг тасдиғи учун унинг баҳилликни қоралаб айтган фикрларини олиб кўрсақ, Замаҳшарий дейди: “Бахилу хасиснинг қўли оқармас, яъни бирор нарса беришга очилмас—токи тил билан қаттиқ сўзланмагунча, тоғдаги мавжуд бойликларни чиқариб бўлмас—токи лўм билан кучли зарба урилмагунча”.<sup>9</sup>

Маълумки, баҳиллик ҳамма замонларда ҳам одамзотнинг нуқсони сифатида таъкидлаб келинган. Баҳилликни қоралашга сабаб, у кишини инсоний сифатлардан айиради. Айтмоқчики, инсон доимо саоватли, хайр-садақа, эҳсон қилиши керак.

Дарвоқе, аз-Замаҳшарий мұтазила таълимотининг юртимиздаги намояндаси эди. Мұтазилилиқда бешта асосий принцип бор эди. Маҳмуд Замаҳшарий ҳам ўз асари, яъни мұтазилилиқ рұхидა ёзилган “Ал-Кашшоф” ида эса мұтазилиликнинг ўнта асосий принципини келтириб ўтади. Булар қуйидагилардир:

- 1-Тавҳид
- 2- Адолат
- 3- Ақл
- 4- Ризқ
- 5- Ал-ваъду вал-ваъид
- 6- Ал-манзила байнал манзилатайн
- 7- Шукр
- 8- Шафоат
- 9- Амри маъруф наҳи мункар
- 10- Қуръоннинг маҳлүқ эканлиги масаласи.

Бу принциплар инсондан одил бўлишни, ёмонликдан узоқлашишни, яхшилик қилишни ва бошқаларни ёвузлиқдан қайтариб, эзгуликка ундашишни талаб қиласи. Асарларида мана шу фалсафий қараш ва шу фалсафага асосланған эзгу ният ва хайрли ишларга даъват акс эттирилган.<sup>10</sup>

Холоса қилиб айтганда, Маҳмуд аз-Замаҳшарий ўз даврининг фалсафий-ахлоқий оламининг яққол намояндасидир.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Д.Бобоҷонов, М.Абдурасулов “Абадият фарзандлари” - Хоразм: “Хоразм Маъмун академияси нашриёти”, 2009. –Б 8.

<sup>9</sup> Маҳмуд аз-Замаҳшарий “Нозик иборалар” У. Уватов таржимаси //ЎзАС, 1996 йил 44-сон.

<sup>10</sup> Хайруллаев М.М. Ўрта Осиёда IX-XII асрларда маданий тараққиёт (Уйғониш даври маданияти). Т. “Фан”, 1994.

2. Ш. Хайтов. Муроса ва Ўзбекистон фалсафаси тарихига кириш. - Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти. 2010 й. –Б. 262.
3. Д.Бобоҷонов, М.Абдурасулов “Абадият фарзандлари” - Ҳоразм: “Ҳоразм Маъмун академияси нашриёти”, 2009. –Б 9.
4. Маҳмуд аз-Замаҳшарий “Нозик иборалар” У. Уватов таржимаси //ЎзАС, 1996 йил 44-сон.
5. Маҳмуд аз-Замаҳшарий “Нозик иборалар” У. Уватов таржимаси //ЎзАС, 1996 йил 44-сон.
6. Д.Бобоҷонов, М.Абдурасулов “Абадият фарзандлари” - Ҳоразм: “Ҳоразм Маъмун академияси нашриёти”, 2009. –Б 9.
7. Алишер Навоий. МУКАММАЛ АСАРЛАР ТҮПЛАМИ. Ўнинчи том. ҲАМСА. Сабъаи сайёр. – Т.: “фан” нашриёти, 1992 йил. –Б.35.